

IMPROVING THE COMPETENCE OF CIVIL SERVICES IS REQUIREMENT

Shahriyor Kholbaev

**Chief Specialist of the Samarkand Regional Branch of the Academy of Public Administration
of the Republic of Uzbekistan**

Resume: The article deals with the issues of increasing the competence of civil servants as human resources for the development of the state and society.

Keywords: civil servant, manager, effective management, meritocracy, competence, competence, key performance indicators.

Инсон яшashi учун сув, хаво ва озиқ-овқатлар қанчалик зарурий воситалар бўлса, инсоннинг тўлақонли баҳтли бўлишини таъминлайдиган жараён бу билим олишдир. Агар ушбу билимлар ҳаёт давомида вужудга келадиган муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қиласидиган кўникма ва малакаларга айланса ҳамда ҳаётга татбиқ этилса инсоннинг яшаш ва фаолият олиб бориши бир қадар енгиллашади.

Хозирда кўплаб олимлар меритократия келажақда давлат ва жамиятни бошқаришнинг ёрқин намунаси эканлигига ишонишади. Энг қобилиятли одамлар энг яхши натижаларга эришишлари мумкин ва шунга кўра, барча фуқароларнинг ижтимоий фаровонлиги ошади. Шундай қилиб, меритократия – инсон учун ҳам, жамият учун ҳам энг яхши натижаларга эришишда адолатли тизим сифатида таклиф этилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда кадрлар сиёсатини ривожлантириш бўйича энг муҳим дастур вазифасини бажарди. Ушбу стратегия асосида 2017–2021 йилларда давлат фуқаролик хизмати борасида кенг кўлмли ислоҳотлар давом этмоқда.

Давлатнинг ишончли бошқаруви ва барқарор тараққиёти, жамият ривожи ва халқ фаровонлиги энг аввало давлат фуқаролик хизмати тизимининг шаклланганлигига, давлат ҳокимияти бошқаруви соҳасида фаолият юритаётган раҳбар кадрлар ва давлат хизматчиларига боғлиқ. Хуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ҳамда олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда бевосита малакали кадрлар, яъни давлат фуқаролик хизматчиларининг адолатли ва қонуний фаолияти муҳим роль ўйнайди.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Шундай экан, энг аввало билимли ва малакали кадрларни, масъулиятли, халқпарвар ва виждонли давлат хизматчиларни тайёрлаш ҳамда танлашга катта эътибор бериш, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барча бўғинларини самарали давлат хизматчилари билан таъминлаш, уларнинг малакасини муентазам ошириб бориш, заҳирани шакллантириш – кадрлар сиёсатидаги энг муҳим вазифалардандир.

Ўзбекистонда кадрлар сиёсати борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини – замонавий бошқарув кадрлари ва давр талаблариiga жавоб берадиган муносиб давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ушбу хизматга меритократик тамойиллар асосида номзодларни танлаш ва тайинлаш, раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолаш, шу орқали лавозимда юқори пағоналарга қўтариш масалалари ташкил қиласди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда давлат фуқаролик хизматига шаффоффлик ва очиқлик тамойиллари устувор аҳамиятга эга. Бундай танловларнинг асосий мақсади юқори малакали, билимли, ҳалол ва садоқатли кадрларни давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш орқали бошқарув соҳасида катта муваффақиятларга эришиш, натижадорлик ва иш самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

2017–2020 йилларда кадрлар сиёсати бўйича қўплаб янги қонунлар, Президент ва ҳукумат қарорлари, фармонлари ва бошқа шу каби норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3755 сонли, 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843 сонли, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472 сонли қарор ва фармонлари юртимизда кадрлар сиёсатидаги ислоҳотларнинг ташкилий-хуқуқий асоси сифатида хизмат қилмоқда. Шунингдек, давлат хизматчиларининг инсон ресурслари сифатида ривожлантириш нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3901-сон қарорига мувофиқ Гулистон, Қарши, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Академиянинг худудий филиаллари ташкил этилди.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиаллари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 772-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларининг малакасини ошириш жадвали ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ти 960-сон қарори қабул қилинди. Ҳудудий филиалларда бошқарувнинг раҳбар кадрлари малака оширмоқдалар. Мазкур ўкув курсларида юқори салоҳиятга эга бўлган бошқарув лавозимлари учун ходимларнинг энг юқори самарадорлик даражаси билан танланишини таъминлаш учун стратегия сифатида хизмат қилиши, бошқарув кадрларининг электрон базаси ҳамда заҳираси тўлдириб борилишига хизмат қиласи.

Муҳтарам юртбошимиз таъбири билан айтганда “... Энг муҳим вазифа – халқимиз онгидা инновацион тафаккурни шакллантириш. Инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат ҳам бўлмайди...”. Зеро, илм олишни ҳар қандай ҳолатда ҳам канда қилмаслик кераклигига бир ишорадир. Агар раҳбар кадрлар ўз устида мунтазам ишласа, тинмай ўқиб-ўрганиб янги билимлар заҳирасини кашф қилса, натижа ҳам шунга мувофиқ бўлади албатта.

Давлат фуқаролик хизматида давлат хизматчилари қасбий фаолияти давомида куйидагиларни уddyalай олишлари лозим:

- ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириш, янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборотларни олиш, илгор тажрибаларни ўрганиш;
- фаолиятидаги вазифаларни бажаришда вижданан ёндашиш, ватанга сидоқат билан хизмат қилиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан мунособатда бўлиш;
- юксак қасбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатлар, жумладан ҳалоллик масаласи бош мезон бўлиб, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;
- соғлом фикрлаш ва ўз нуқтаи-назарига эга бўлиш, фидойилик, масъулият ва жавобгарликни чуқур хис этиш;
- ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиш;

- аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятига эга бўлиш, жамоат жойларида ўзини муносиб тутиш, шахсий хулқ-атворни назорат қилиб бориш;
- руҳан ва жисмонан тетик, иродасини чиниқтириб бориш, оғир дамларда сабр-бардошли бўлиш;
- бошқаларни орқасидан эргаштира олиш, қатъиятлилик, бошлаган ишни охирига етказа олиш, атрофда бўлаётган воқеа-ходисаларга ўз муносабатини билдира олиш;
- ўзининг ва ходимларининг саломатлиги учун қайғуриш, қўл остидагиларга ғамхўрлик қилиш ва уларни руҳлантира олиш, намунали иш олиб бораётганларни рағбатлантириш.

Бугунги кунда барча ташкилотларда KPI (key performance indicators (асосий фаолият кўрсаткичлари)) тизими тажриба синов тариқасида жорий этилаётган бир пайтда Маҳаллий бошқарув соҳасида раҳбарларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжини қондириш нафақат малака оширишнинг тўғридан тўғри ва масофадан малака ошириш орқали амалга ошириш, балки раҳбар кадрлар малака оширишдан кейинги кўникма ва малакаларининг амалиётга татбиқ этилиши, шунингдек кундалик ўз соҳаси, бошқарув билан боғлиқ компетентлигини ошириш билан боғлиқ чора тадбирлар механизмини такомиллаштиришни тақозо қиласи. Яъни, ҳар бир раҳбар ходимлари ва халқимиз учун кундалик ўзини устида ишлаш, илм ва маърифатни тарғиб қилиши билан ибрат бўлсагина жамоа ҳам ўзини устида ишлайди. Жамоалар ўзини устида ишласагина халқимиз бугунги ислоҳотларнинг самарасини ҳис қиласи. Ислоҳотларимиз самараси натижадорлигини кўриш орқали эса фаровонлигимиз яхшиланиб боришига ҳар бир фуқаронинг даҳлдорлгини ошишига хизмат қиласи.

Адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.